ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛ – ХОРАЗМИЙ НОМЛИ УРГАНЧ ДАВЛАТ

УНИВЕРСИТЕТИ

«МАТЕМАТИК ФИЗИКА ВА АМАЛИЙ МАТЕМАТИКА»

КАФЕДРАСИ

Хасанов А. Б., Аллаберганов О. Р.

«Математик физика тенгламалари» курсидан маърузалар матни

II-ќисм

Урганч – 2009

Мундарижа

Маъруза № 1

Эллиптик турдаги тенгламалар. Чегаравий масалалар

Режа

1. Содда эллиптик турдаги тенгламалар.
2. Асосий тушунчалар ва таърифлар.
3. Лаплас тенгламасига šўйилган асосий чегаравий масалалар.

Таянч тушунчалар

Чегараланган соќа, гармоник функция ,нуšтада гармоник функция, Дирихленинг ички масаласи, Дирихленинг ташši масаласи, Нейманнинг ички масаласи, Нейманнинг ташši масаласи, аралаш масала.

Энг содда эллиптик типдаги тенгламалардан:

1. Лаплас тенгламаси:

$$\Delta u = 0, \quad \Delta = \sum_{i=1}^{n} \frac{\partial^2}{\partial x_i^2}, \; u = u(x_1, x_2, ..., x_n) \qquad (1)$$

2. Пуассон тенгламаси:

$$\Delta u = f(x)$$

3. Гельмгольц тенгламаси:

$$\Delta u + k^2 u = f(x), \quad k = const.$$

Биз E_n – *n* ўлчамли фазода эллиптик типдаги тенгламаларга šўйиладиган чегаравий масалаларни ўрганамиз. Бунинг учун šуйидаги белгилашларни киритамиз:

$x, y \in E_n$ **векторлари**

$$x = (x_1, x_2, ..., x_n)$$

$$y = (y_1, y_2, ..., y_n)$$

$$x \pm y = (x_1 \pm y_1, x_2 \pm y_2, ..., x_n \pm y_n),$$

$$x \cdot y = x_1 \cdot y_1 + x_2 \cdot y_2 + ... + x_n \cdot y_n$$

– скаляр кўпайтма.

$$|x - y| = \sqrt{(x_1 - y_1)^2 + (x_2 - y_2)^2 + ... + (x_n - y_n)^2}$$

масофа. Маркази $x \in E_n$ нуštада радиуси *r* бўлган

$$\sigma(x, r) : |y - x| = r, \ y = \sigma(x, r)$$

сфера тенгламаси. Маркази $x \in E_n$ нуštада радиуси *r* бўлган *K(x,r)* шар тенгламаси:

$$K(x, y) : |y - x| < r, \quad y \in K(x, y)$$

$D \subset E_n$ **соќа чегараланган дейилади, агар *R>0*, $D \subset K(0,R)$ бўлса, акс ќолда *D* соќа чегараланмаган бўлиб, чексиз узоšлашган ∞ нуšтани саклайди. Бир боѓламли ёпиš сирт E_n фазони иккита соќага: D^+ - ички, D^+ ташки соќаларга ажратади. Бу ерда $\{\infty\} \in D^-$ чексиз узоšлашган нуšтани саšлайди. Агар σ šаралаётган D^+ соќанинг чегараси, яъни $\partial D = \sigma$ бўлса, у ќолда $y \in \sigma$ нуšтада ўтказилган ташšи нормал вектор деб**

$$\nu = (\nu_1, \nu_2, ..., \nu_n)$$

***D*соќадан чиšувчи**

$$\nu_k = \cos(y_k \wedge \nu)$$

йўналтирувчи косинусга эга бўлган бирлик векторни тушунамиз.

Таъриф 1. Лаплас тенгламасини šаноатлантирувчи

$$u \in C^2(D), \Delta u = 0, \;\; u = u(x_1, x_2, ..., x_n)$$

функцияга *D* – соќада гармоник функция дейилади.

Таъриф 2. Агар $u(x)$ **функция** E_n **фазо чекли нуšтасининг етарли кичик атрофида гармоник бўлса, уни шу нуšтада гармоник дейилади. Агар** $u(x)$ **функция чексиз *D* соќанинг**

координата бошидан чекли масофада ётган иќтиёрий *x* нуўтасида гармоник бўлиб, етарли катта $|x|$ лар учун

$$|u(x)| < \frac{A}{|x|^{n-2}},\ A = const,\ n = 3,4,...$$

тенгсизлик бажарилса, $u(x)$ **функция чексиз *D* соќада гармоник дейилади. Энди Лаплас тенгламаси учун асосий чегаравий масалаларнинг šўйилиши билан танишамиз:**

1) Биринчи чегаравий масала ёки Дирихленинг ички (D^{+}) **масаласи:**

$$\Delta u = 0;\ u\big|_{\sigma} = f(x),\ f(x) \in C(\sigma),\ u = u(x_1, x_2, ..., x_n) \in C^2(D)$$

2) Иккинчи чегаравий масала ёки Нейманнинг ички (D^{+}) **масаласи:**

$$\Delta u = 0;\ \left.\frac{\partial u}{\partial \nu}\right|_{\sigma} = f(x),\ f(x) \in C^1(\sigma),$$

3) Дирихленинг ташši (D^{-}) **масаласи:**

$$\Delta u = 0;\ u\big|_{\sigma} = f(x),\ f(x) \in C(\sigma),\ u(x) \in C^2(D^{-})$$

бўлиб,

$$|x| \to \infty \text{ да } |u(x)| < \frac{A}{|x|^{n-2}},\ n > 2$$

тенгсизлик бажарилади. *n=2* ќолда $|x| \to \infty$ да чекли лимитга интилади.

$$\lim_{|x| \to \infty} u(x) = A$$

1) Нейман ташќи $\left(N^-\right)$ масаласи:

$$\Delta u = 0;\ \left.\frac{\partial u}{\partial \nu}\right|_{\sigma} = f(x),\ f(x) \in C^1(\sigma),\ u(x) \in C^2(D^-) \cap C^1(\sigma)$$

***n>2* бўлганда**

$$\lim_{|x| \to \infty} u(x) = 0$$

***n=2* ќолда**

$$\lim_{|x| \to \infty} u(x) = A,\ A < \infty$$

5) Аралаш масала (учинчи чегараланган масала):

$$\Delta u = 0;\ \alpha(x)u + \beta(x)\left.\frac{\partial u}{\partial n}\right|_{\sigma} = f(x), u(x) \in C^2(D^-) \cap C^1(\overline{D}), \overline{D} = D \cup \sigma$$

.

Бу ерда $\alpha(x),\ \beta(x)$ ва *f(x)* лар σ чегарада берилган бўлакли

узлуксиз функциялар бўлиб,

$$\alpha(x) \geq 0,\ \beta(x) \geq 0,\ \alpha + \beta > 0,\ \forall x \in \sigma .$$

Хусусий ќосилаларни кўриб чиšамиз:

1) $\alpha = 1, \beta = 0\ \ u\big|_{\sigma} = f(x)$ - Дирихле ёки биринчи чегаравий масала.

2) $\alpha = 0, \beta = 1\ \ \left.\dfrac{\partial u}{\partial n}\right|_{\sigma} = f(x)$ - Нейман ёки иккинчи чегаравий масала.

3) $\alpha \geq 0, \beta = 1\ \ \left.\dfrac{\partial u}{\partial n} + \alpha u\right|_{\sigma} = f(x)$ - учинчи тур чегаравий масала.

Ќудди шундай чегаравий масалаларни Пуассон

$$\Delta u = f$$

ва Гельмгольц

$$\Delta u + k^2 u = f$$

тенгламалари учун ќам šараш мумкин.

Ушбу

$$\Delta u + k^2 u = f$$

E_3 **ёки** E_2 **фазода тенгламанинг ечими** $u(x)$ **чексизликда нурланиш принципини šаноатлантириши керак.**

$$u = \underline{\underline{O}}\left(\frac{1}{r}\right),\ \frac{\partial u}{\partial r} + iku = \overline{\overline{O}}\left(\frac{1}{r}\right)\ r \to \infty\ E_3$$ ***n=3***

E_2 **фазода эса,**

$$u = \underline{\underline{O}}\left(\frac{1}{\sqrt{r}}\right),\ \frac{\partial u}{\partial r} + iku = \overline{\overline{O}}\left(\frac{1}{\sqrt{r}}\right)\ r \to \infty.$$

Адабиётлар

1.Салоќитдинов М.С., Математик физика тенгламалари, Т., «Ўзбекистон», 2002.

2.Владимиров В.С., Уравнения математической физики, М, «Наука», 1981.

3.Тихонов А.Н., Самарский А.А., Уравнения математической физики, М, «Наука», 1977.

Маъруза № 2

Лаплас тенгламасининг фундаментал ечими

Режа

1. Текисликда Лаплас тенгламасининг фундаментал ечими.
2. Уч ўлчовли фазода фундаментал ечим.
3. Умумий ќолда, яъни *n* –ўлчовли фазода фундаментал ечим.

Таянч тушунчалар

Лаплас тенгламасининг фундаментал ечими, текисликда фундаментал ечимнинг кўриниши, фазода фундаментал ечимнинг кўриниши, n ўлчовли фазода фундаментал ечимнинг кўриниши

Таъриф. Лаплас тенгламасининг фаšат битта $r=|x-y|$ геометрик ўзгарувчига боғлик ечимига, унинг фундаментал ечими дейилади ёки элементар ечими дейилади.

Даставвал *n=2* ќолни ўрганамиз.

Бу ќолда šутб координаталарида

$$x_1=y_1+r\cos\varphi,\ \ x_2=y_2+r\sin\varphi\ \ r=|x-y|.$$

Лаплас

$$\Delta u = \frac{\partial^2 u}{\partial x_1^{\ 2}} + \frac{\partial^2 u}{\partial x_2^{\ 2}} = 0$$

тенгламасининг кўринишини топамиз:

Буни топишдан олдин šуйидаги битта теорема ва иккита натижани келтириб ўтамиз (исботсиз).

Теорема. Агар

$$\frac{\partial^2 u}{\partial x_1^{\ 2}} + \frac{\partial^2 u}{\partial x_2^{\ 2}} + \frac{\partial^2 u}{\partial x_3^{\ 2}} = \Delta u$$

дан šуйидаги алмаштиришни бажарсак,

$$\begin{cases} x_1 = \varphi_1(q_1, q_2, q_3) \\ x_2 = \varphi_2(q_1, q_2, q_3) \\ x_3 = \varphi_3(q_1, q_2, q_3) \end{cases}$$

у ќолда Лаплас оператори šуйидаги кўринишда бўлади.

$$\Delta u = \frac{1}{H_1 H_2 H_3}\left\{\frac{\partial}{\partial q_1}\left(\frac{H_2 H_3}{H_1}\frac{\partial u}{\partial q_1}\right) + \frac{\partial}{\partial q_2}\left(\frac{H_1 H_3}{H_2}\frac{\partial u}{\partial q_2}\right) + \frac{\partial}{\partial q_3}\left(\frac{H_1 H_2}{H_3}\frac{\partial u}{\partial q_3}\right)\right\}$$

бу ерда,

$$H_1=\sqrt{\left(\frac{\partial\varphi_1}{\partial q_1}\right)^2+\left(\frac{\partial\varphi_2}{\partial q_1}\right)^2+\left(\frac{\partial\varphi_3}{\partial q_1}\right)^2};$$

$$H_2=\sqrt{\left(\frac{\partial\varphi_1}{\partial q_2}\right)^2+\left(\frac{\partial\varphi_2}{\partial q_2}\right)^2+\left(\frac{\partial\varphi_3}{\partial q_2}\right)^2};$$

$$H_3=\sqrt{\left(\frac{\partial\varphi_1}{\partial q_3}\right)^2+\left(\frac{\partial\varphi_2}{\partial q_3}\right)^2+\left(\frac{\partial\varphi_3}{\partial q_3}\right)^2}.$$

Натижа-1 (Сферик координаталар системаси)

$$\begin{cases} x_1 = r\sin\theta\cos\varphi \\ x_2 = r\sin\theta\sin\varphi \\ x_3 = r\cos\theta \end{cases}$$ **бўлса,** $q_1 = r,\ q_2=\theta,\ q_3=\varphi$

$$H_1=\sqrt{\sin^2\theta\cos^2\varphi+\sin^2\theta\sin^2\varphi+\cos^2\theta}=\sqrt{\sin^2\theta+\cos^2\theta}=1$$

$$H_2=\sqrt{r^2\cos^2\theta\cos^2\varphi+r^2\cos^2\theta\sin^2\varphi+r^2\sin^2\theta}=1$$

$$H_3=\sqrt{r^2\sin^2\theta\sin^2\varphi+r^2\sin^2\theta\cos^2\varphi+0}=r\sin\theta$$

$$\Delta u=\frac{1}{r^2}\frac{\partial}{\partial r}\left(r^2\frac{\partial u}{\partial r}\right)+\frac{1}{r^2\sin\theta}\frac{\partial}{\partial\theta}\left(\sin\theta\frac{\partial u}{\partial\theta}\right)+\frac{1}{r^2\sin^2\theta}\frac{\partial^2 u}{\partial\varphi^2}$$

Натижа – 2 (Цилиндрик координаталар системаси)

$$\begin{cases} x_1=\rho\cos\varphi \\ x_2=\rho\sin\varphi \\ x_3=x_3 \end{cases} \Rightarrow\ H_1=1,\ H_2=\rho,\ H_3=1$$

$$\Delta u=\frac{1}{\rho}\frac{\partial}{\partial\rho}\left(\rho\frac{\partial u}{\partial\rho}\right)+\frac{1}{\rho^2}\frac{\partial^2 u}{\partial\varphi^2}+\frac{\partial^2 u}{\partial x_3^2}$$

Келтирилган теорема ва натижалардан šуйидагига эга бўламиз;

$$\Delta u=\frac{1}{r}\frac{\partial}{\partial r}\left(r\frac{\partial u}{\partial r}\right)+\frac{1}{r^2}\frac{\partial^2 u}{\partial\varphi^2}=0.$$

Фундаментал ечимнинг таърифига асосан $u=u(r)$ **бўлгани учун** $\frac{\partial u}{\partial\varphi}=0$**. Бундан фойдаланиб**

$$\frac{1}{r}\frac{\partial}{\partial r}\left(r\frac{\partial u}{\partial r}\right)=0\quad \frac{\partial}{\partial r}\left(r\frac{\partial u}{\partial r}\right)=0\Rightarrow r\frac{\partial u}{\partial r}=C_1$$

$$\frac{\partial u}{\partial r}=\frac{C_1}{r}\Rightarrow u=C_1\ln r+C_2$$

Агар $C_1=-1,\ C_2=0$ **бўлса,**

$$u=\ln\frac{1}{r},\ r=|x-y|=\sqrt{(x_1-y_1)^2+(x_2-y_2)^2}$$

Демак, *n=2*ќолда фундаментал ечим ушбу

$$E_2(x,y)=\ln\frac{1}{|x-y|}$$

кўринишда бўлади.

n=3 ќолда, биз Лаплас тенгламасининг

$$\Delta u = \frac{\partial^2 u}{\partial x_1^2} + \frac{\partial^2 u}{\partial x_2^2} + \frac{\partial^2 u}{\partial x_3^2}$$

сферик координаталардаги

$$x_1 = y_1 + r\sin\theta\cos\varphi,$$

$$x_2 = y_2 + r\sin\theta\sin\varphi,$$

$$x_3 = y_3 + r\cos\theta,$$

$$r = |x-y| = \sqrt{(x_1-y_1)^2 + (x_2-y_2)^2 + (x_3-y_3)^2}$$

кўринишини топамиз:

$$\Delta u = \frac{1}{r^2}\frac{\partial}{\partial r}\left(r^2\frac{\partial u}{\partial r}\right) + \frac{1}{r^2\sin\theta}\frac{\partial}{\partial\theta}\left(\sin\theta\frac{\partial u}{\partial\theta}\right) + \frac{1}{r^2\sin^2\theta}\frac{\partial^2 u}{\partial\varphi^2} = 0.$$

Фундаментал ечимнинг таърифига биноан $u = u(r)$ бўлгани учун.

$$\frac{\partial u}{\partial\varphi} = 0,\ \frac{\partial u}{\partial\theta} = 0$$

бўлиб, Лаплас тенгламаси

$$\frac{1}{r^2}\frac{\partial}{\partial r}\left(r^2\frac{\partial u}{\partial r}\right)=0$$

кўринишини олади. Бу тенгламани ечиб

$$r^2\frac{\partial u}{\partial r}=C_1,\ \Rightarrow\ \frac{\partial u}{\partial r}=\frac{C_1}{r^2}$$

$$u=-\frac{C_1}{r}+C_2$$

топамиз.

$C_1=-1,\ C_2=0$ деб танласак , $u=\frac{1}{r}$ яъни

$$u(x,y)=\frac{1}{|x-y|}.$$

Шундай šилиб *n=3* ќолда Лаплас тенгламасининг фундаментал ечими

$$\varepsilon_3(x,y)=\frac{1}{|x-y|};$$

$$x=(x_1,x_2,x_3)\ ,\ y=(y_1,y_2,y_3)$$

кўринишда бўлар экан.

Энди Лаплас тенгламасининг фундаментал ечимини умумий ќолда E_n да топамиз: Ушбу Лаплас

$$\Delta u = \frac{\partial^2 u}{\partial x_1^2} + \frac{\partial^2 u}{\partial x_2^2} + ... + \frac{\partial^2 u}{\partial x_n^2} = 0$$

тенгламасини

$$u(x) = \lambda(r)\text{, } x = (x_1, x_2, ..., x_n)\text{,}$$

$$r = |x - y|\text{, } y = (y_1, y_2, ..., y_n)\text{,}$$

$$r = |x - y| = \sqrt{\sum_{i=1}^{n} (x_i, y_i)^2};$$

бу ерда фašат *r* га боѓлиš ечимини топамиз. Бунинг учун

$$\frac{\partial u}{\partial x_1} = \frac{\partial u}{\partial r}\frac{\partial u}{\partial x_1} = \frac{\partial \lambda}{\partial r}\frac{1}{\sqrt{\sum_{i=1}^{n}(x_i, y_i)^2}}(x_1, y_1) = \frac{\partial \lambda}{\partial r}\frac{x_i - y_i}{r}$$

$$\frac{\partial^2 u}{\partial x_i^2} = \frac{\partial}{\partial x_i}\left(\frac{\partial u}{\partial x_i}\right) = \frac{\partial}{\partial x_i}\left(\frac{\partial \lambda}{\partial r}\frac{x_i - y_i}{r}\right) = \frac{\partial^2 \lambda}{\partial r^2}\frac{(x_i - y_i)^2}{r^2} + \frac{r - \frac{x_i - y_i}{r}(x_i - y_i)}{r^2}\frac{\partial \lambda}{\partial r} =$$

$$= \frac{\partial^2 \lambda}{\partial r^2}\frac{(x_i - y_i)^2}{r^2} + \frac{r^2 - (x_i - y_i)^2}{r^3}\frac{\partial \lambda}{\partial r} = \frac{\partial^2 \lambda}{\partial r^2}\frac{(x_i - y_i)^2}{r^2} + \frac{1}{r}\left(1 - \frac{(x_i - y_i)^2}{r^2}\right)\frac{\partial \lambda}{\partial r}.$$

$$0 = \Delta u = \sum_{i=1}^{n}\frac{\partial^2 u}{\partial x_i^2} = \sum_{i=1}^{n}\left[\frac{\partial^2 u}{\partial x_i^2}\frac{(x_i - y_i)^2}{r^2} + \frac{1}{r}\left(1 - \frac{(x_i - y_i)^2}{r^2}\right)\frac{d\lambda}{dr}\right] = \frac{d^2\lambda}{dr^2}\frac{1}{r^2}\sum_{i=1}^{n}(x_i - y_i)^2 +$$

$$+ \frac{1}{r}\frac{d\lambda}{dr}\sum_{i=1}^{n}1 - \sum_{i=1}^{n}(x_i - y_i)^2\frac{d\lambda}{dr} = \frac{d^2\lambda}{dr^2} + \frac{n-1}{r}\frac{d\lambda}{dr}$$

.

Шундай šилиб, ушбу

$$\frac{d^2\lambda}{dr^2}+\frac{n-1}{r}\frac{d\lambda}{dr}=0$$

тенгламани ќосил šиламиз. Бу тенгламани ечамиз.

$$\frac{d\lambda}{dr}=z,\quad \frac{d^2\lambda}{dr^2}=\frac{dt}{dr},\ \frac{d\lambda}{dr}+\frac{n-1}{r}z=0$$

$$\ln z=(1-n)\ln r+\ln C\ \ z=C\cdot r^{1-n}$$

$$\frac{d\lambda}{dr}=C\,r^{1-n}\ \Rightarrow\ \lambda=C\int r^{1-n}dr+C_1=\frac{C\,r^{2-n}}{2-n}+C_1$$

$$\lambda(r)=\frac{C}{(2-n)}r^{2-n}+C_1\ \ C=2-n,\ \ C_1=0\ \ u=r^{2-n},$$

яъни фундаментал ечим,

$$\varepsilon_n(x,y)=r^{2-n};\ r=\sqrt{\sum_{i=1}^{n}(x_i-y_i)^2};$$

кўринишда бўлади.

Топилган элементар ечимларнинг кўринишидан маълумки $x\neq y$ ларда $\varepsilon_n(x,y)$ фундаментал ечим E_n фазода гармоник бўлиб ќар бир фиксирланган *x* да *y* - бўйича ќам Лаплас тенгламасини šаноатлантиради, яъни

$$\Delta_x\varepsilon_n(x,y)=\Delta_y\varepsilon_n(x,y)=0,\quad x\neq y$$

E_n **фазода**

$$\varepsilon_2(x,y)=\ln\frac{1}{r}$$

фундаментал ечим чексизликда логарифмик маḱсусликка эга бўлади. $\varepsilon_n(x,y)$ – фундаментал ечим $n\neq 2$ да E_n фазода $x\neq y$ гармоник функция бўлади.

Адабиётлар

1.Салоḱитдинов М.С., Математик физика тенгламалари, Т., «Ўзбекистон», 2002.

2.Владимиров В.С., Уравнения математической физики, М, «Наука», 1981.

3.Тихонов А.Н., Самарский А.А., Уравнения математической физики, М, «Наука», 1977.

Маъруза № 3

Грин формулалари

Режа

1. Кўп ўлчамли интеграллар учун бўлаклаб интеграллаш формуласи.
2. Гриннинг 1 – формуласи.
3. Гриннинг 2 – формуласи.

Таянч тушунчалар

Бўлаклаб интеграллаш формуласи, Гриннинг биринчи формуласи, Гриннинг иккинчи формуласи

Бизга математик анализ курсидан маълумки E_3 фазода $D \subset E_3$ чегараланган соҳа бўлиб, чегараси $\partial D = \sigma$ - бўлакли силлиš сиртдан иборат бўлсин. $\nu - \sigma$ сиртга ўтказилган бирлик нормал бўлсин, яъни

$$\nu_k = \cos(y_k, \wedge \nu)$$

$$A_1(y),\ A_2(y),\ A_3(y),\ y = (y_1, y_2, y_3)$$

функциялар $\overline{D} = D \cup \sigma$ да узлуксиз бўлиб

$$\frac{\partial A_j(y)}{\partial y_j},\ j=1,2,3.$$

D **да узлксиз бўлсин, яъни**

$$A_j(y)\in C(\overline{D}), \frac{\partial A_j}{\partial y_j}\in C(D),\ j=1,2,3.$$

У ќолда ушбу

$$\int_D\left(\frac{\partial A_1}{\partial y_1}+\frac{\partial A_2}{\partial y_2}+\frac{\partial A_3}{\partial y_3}\right)dy=\int_\sigma\left(A_1v_1+A_2v_2+A_3v_3\right)d\sigma$$

формула ўринли бўлади. Бу формула $D\subset E_n$ **чегараланган соќа бўлиб, чегараси** $\partial D=\sigma$ **- бўлакли силлиš сиртдан иборат бўлган соќа учун ќам ёзиш мумкин. Агар**

$$A_j(y)\in C(\overline{D}),\ \frac{\partial A_j}{\partial y_j}\in C(D),\ y=(y_1,y_2,...,y_n),\ j=\overline{1,n}$$

функциялар берилган бўлиб,

$$v=(v_1,v_2,...,v_n)$$

– σ **сиртга ўтказилган бирлик ташšи нормал вектор бўлса, яъни**

$$v_k=\cos(y_k,\wedge v).$$

У ќолда Гаусс – Остроградский формуласи, ушбу

$$\int_D \left(\sum_{j=1}^{n} \frac{\partial A_j}{\partial y_j} \right) dy = \int_\sigma \left(\sum_{j=1}^{n} A_j v_j \right) d\sigma, \quad n = \overline{1, n} \qquad (1)$$

кўринишни олади.

Бу формуладан фойдаланиб кўп ўлчамли интеграллар учун бўлаклаб интеграллаш формуласини келтириб чиšарамиз.

Šуйидаги интегралларни šараймиз:

$$\int_D \frac{\partial AB}{\partial y_j} dy = \int_\sigma ABv_j d\sigma \qquad (2)$$

бу ерда

$$A = (A_1, A_2, \dots, A_n), B = (B_1, B_2, \dots, B_n)$$

узлуксиз дифференциалланувчи функциялар.

Иккинчи томондан кўпайтмани дифференциаллаш šоидасига биноан,

$$\int_D \frac{\partial AB}{\partial y_j} dy = \int_D \frac{\partial A}{\partial y_j} Bdy = \int_D A \frac{\partial B}{\partial y_j} dy \qquad (3)$$

(2) + (3) дан

$$\int_\sigma ABv_j d\sigma = \int_D \frac{\partial A}{\partial y_j} Bdy + \int_D A \frac{\partial B}{\partial y_j} dy$$

яъни

$$\int_D A\frac{\partial B}{\partial y_j}dy=\int_\sigma ABv_j d\sigma-\int_D\frac{\partial A}{\partial y_j}Bdy \qquad (4)$$

бўлаклаб интеграллаш формуласига эга бўламиз.

Гриннинг биринчи формуласи

Šуйидаги шартларни šаноатлантирувчи иккита $u(y),\ \vartheta(y)$ функциялар.

$$u(y)\in C^2(D)\cap C^1(\overline{D}),\ \vartheta(y)\in C^1(D)\cap C(\overline{D})$$

берилган бўлсин. Ушбу айниятдан фойдаланамиз:

$$\sum_{k=1}^{n}\frac{\partial}{\partial y_k}\left(\vartheta\frac{\partial u}{\partial y_k}\right)\equiv\sum_{k=1}^{n}\frac{\partial\vartheta}{\partial y_k}\frac{\partial u}{\partial y_k}+\vartheta\Delta u \qquad (5)$$

Ќašišатан ќам,

$$\frac{\partial}{\partial y_k}\left(\vartheta\frac{\partial u}{\partial y_k}\right)=\frac{\partial\vartheta}{\partial y_k}\frac{\partial u}{\partial y_k}+\vartheta\frac{\partial^2 u}{\partial y_k^2}.$$

Бу тенгликни $k=1,2,3,\ldots.$ бўйича йиғсак,

$$\sum_{k=1}^{n}\frac{\partial}{\partial y_k}\left(\vartheta\frac{\partial u}{\partial y_k}\right)=\sum_{k=1}^{n}\frac{\partial\vartheta}{\partial y_k}\frac{\partial u}{\partial y_k}+\sum_{k=1}^{n}\frac{\partial^2 u}{\partial y_k^2}$$

бу ерда ушбу

$$\Delta u=\sum_{k=1}^{n}\frac{\partial^2 u}{\partial y_k^2}$$

белгилашдан фойдаланиб (5) формулани исбот šиламиз. (5) айниятнинг иккала томонини *D*– соќа бўйича интеграллаймиз:

$$\int_D\sum_{k=1}^{n}\frac{\partial}{\partial y_k}\left(\vartheta\frac{\partial u}{\partial y_k}\right)dy=\int_D\sum_{k=1}^{n}\frac{\partial\vartheta}{\partial y_k}\frac{\partial u}{\partial y_k}dy+\int_D\vartheta\Delta u dy \qquad (5')$$

Бу формулага (1) Гаусс – Остроградский формуласини šўллаймиз:

$$\int_D\sum_{k=1}^{n}\frac{\partial\vartheta}{\partial y_k}\frac{\partial u}{\partial y_k}dy+\int_D\vartheta\Delta u dy=\int_D\sum_{k=1}^{n}\frac{\partial}{\partial y_k}\left(\vartheta\frac{\partial u}{\partial y_k}\right)dy=$$
$$=\int_D\sum_{k=1}^{n}\vartheta\frac{\partial u}{\partial y_k}\nu_k d\sigma=\int_D\vartheta\frac{\partial u}{\partial y_k}d\sigma$$

бу ерда šуйидаги

$$\frac{\partial u}{\partial\vartheta}=\sum_{k=1}^{n}\frac{\partial u}{\partial y_k}\nu_k$$

нормал йўналиш бўйича олинган ќосила формуласидан

фойдаландик. Шундай šилиб Гриннинг биринчи формуласини

$$\int_{\sigma} \vartheta \frac{\partial u}{\partial \nu} d\sigma = \int_{D} \sum_{k=1}^{n} \frac{\partial u}{\partial y_k} \frac{\partial u}{\partial y_k} d\sigma + \int_{D} \vartheta \Delta u dy \qquad \textbf{(6)}$$

топдик.

Гриннинг иккинчи формуласи

Ушбу

$$u(y) \in C^2(D) \cap C^1(\overline{D}) \quad , \vartheta(y) \in C^1(D) \cap C(\overline{D})$$

шартни šаноатлантирувчи иккита ***u*** **ва** ϑ **функциялар берилган бўлсин. (6) формулада** ϑ **ни** ***u*****га алмаштирамиз, у ќолда**

$$\int_{\sigma} u \frac{\partial \vartheta}{\partial \nu} d\sigma = \int_{D} \sum_{k=1}^{n} \frac{\partial u}{\partial y_k} \frac{\partial \vartheta}{\partial y_k} dy + \int_{D} u \Delta \vartheta dy \qquad (6')$$

$(6')$ **дан (6) ни айирамиз:**

$$\int_{\sigma}\left(u\frac{\partial\vartheta}{\partial\nu}-\vartheta\frac{\partial u}{\partial\nu}\right)d\sigma=\int_{D}\left(u\Delta\vartheta-\vartheta\Delta u\right)dy \qquad (7)$$

Гриннинг иккинчи формуласига эга бўламиз.

Адабиётлар

1.Салоќитдинов М.С., Математик физика тенгламалари, Т., «Ўзбекистон», 2002.

2.Владимиров В.С., Уравнения математической физики, М, «Наука», 1981.

3.Тихонов А.Н., Самарский А.А., Уравнения математической физики, М, «Наука», 1977.

Маъруза № 4

Гармоник функциянинг интеграл тасвири

Режа

1. Гриннинг 1 – формуласидан гармоник функциянинг интеграл тасвирни келтириб чиšариш.

Таянч тушунчалар

Интеграл тасвир,соќада гармоник функциянинг интеграл тасвири

Гриннинг иккинчи формуласидан, яъни (7) дан иќтиёрий икки марта узлуксиз дифференциалланувчи функциялар учун интеграл тасвирни келтириб чиšариш мумкин.

Теорема 1. Агар $D \subset E_n$ чекли соќа бўлиб, чегараси $\partial D = \sigma$ бўлакли силлиš сиртдан иборат бўлса ва

$$u(y) \in C^2(D) \cap C^1(\overline{D})$$

бўлиб, $\vartheta(y) \equiv \varepsilon_n(x, y)$ – Лаплас тенгламасини E_n даги фундаментал ечими бўлиб $x \in D$ параметрик нуšта бўлсин. У ќолда

$$u(x)=\frac{1}{(n-2)\omega_n}\int_\sigma\left(\varepsilon_n(x,y)\frac{\partial u}{\partial V}-u(y)\frac{\partial\varepsilon_n(x,y)}{\partial V}\right)d\sigma_y-$$

$$-\frac{1}{(n-2)\omega_n}\int_D\varepsilon_n(x,y)\Delta u(y)dy \qquad (1)$$

интеграл тасвир ўринли бўлади.

<u>Исбот:</u> Берилган

$\varepsilon_n(x,y)$ **ва** $u(y),\ x=(x_1,x_2,...,x_n),\ \ y=(y_1,y_2,...,y_n)$

функцияларга тўѓридан–тўѓри Грин формуласини šўллаб бўлмайди, чунки



$y=x\in D$ **нуštада** $\varepsilon_n(x,y)$ **функция маќсусликка эга. Шунинг учун** ***x*** **нуštани марказ šилиб** ε **радиусли** $K(x,\varepsilon)$ **- шар чизамиз.**

$$|y-x|<\varepsilon,\ \ y\in K(x,\varepsilon)\subset D$$

D **соќанинг шардан ташšари šисмини** $D\setminus K(x,\varepsilon)=D_\varepsilon$ **- орšали**

белгилаб оламиз. Бу D_ε - соќа учун

$$u(y), \varepsilon_n(x,y) \in C^2(D_\varepsilon) \cap C^1\left(\overline{D_\varepsilon}\right)$$

бўлади. Шунинг учун $u(y), \varepsilon_n(x,y)$ - функцияларга D_ε - соќада Грин формуласини šўллаймиз. Бунинг учун ушбу

$$\sigma(x,\varepsilon): |y-x| = \varepsilon$$

сферани оламиз, у ќолда D_ε - соќанинг чегараси $\sigma \cup \sigma(x,\varepsilon)$ дан иборат бўлгани учун, ушбу

$$\begin{aligned} &\int\limits_{D_\varepsilon} \big(u(y)\Delta_y \varepsilon_n(x,y) - \varepsilon_n(x,y)\Delta u(y)\big) dy = \\ &= \int\limits_{\sigma} \left(u(y)\frac{\partial \varepsilon_n(x,y)}{\partial \nu} - \varepsilon_n(x,y)\frac{\partial u}{\partial \nu} \right) d\sigma_y + \\ &+ \int\limits_{|y-x|=\varepsilon} \left(u(y)\frac{\partial \varepsilon_n(x,y)}{\partial \nu} - \varepsilon_n(x,y)\frac{\partial u}{\partial \nu} \right) d\sigma_y \end{aligned} \qquad \text{(2)}$$

Бу ерда $\dfrac{\partial \varepsilon_n(x,y)}{\partial \nu}$ - D_ε - соќанинг $y \in \sigma \cup \sigma(x,\varepsilon)$ нуšтага ўтказилган нормал йўналиши бўйича олинган ќосила. Бу ќосила $y = (y_1, y_2, ..., y_n)$ нуšтанинг координаталари бўйича ќисобланиб, $x = (x_1, x_2, ..., x_n)$ параметрик нуšталардир. $\varepsilon_n(x,y)$ - функция Лаплас тенгламасининг фундаментал ечими бўлгани учун

$$\Delta_y \varepsilon_n(x,y) = 0,\ \forall y \in D_\varepsilon \Rightarrow \int_{D_\varepsilon} u(y) \Delta_y \varepsilon_n(x,y) dy = 0 \qquad \textbf{(3)}$$

(2)тенгликда $\varepsilon \to 0$ да лимитга ўтиб

$$u(y) \in C^2(D) \cap C^1(\overline{D})$$

функция учун интеграл тасвирни ќосил šиламиз.

Аввало $n > 2$ бўлсин. $\sigma(x,\varepsilon)$ – сферада

$$r = |x - y| = \varepsilon.$$

ν – нормал D_ε – соќага ташši бўлганлиги сабабли ε радиусга šарама – šарши йўналган. Шунинг учун

$$\left.\frac{\partial \varepsilon_n(x,y)}{\partial \nu}\right|_{y \in \sigma(x,\varepsilon)} = -\left.\frac{\partial \varepsilon_n(x,y)}{\partial \varepsilon}\right|_{y \in \sigma(x,\varepsilon)} =$$
$$-\frac{\partial}{\partial r}\left.\left(\frac{1}{r^{n-2}}\right)\right|_{r=\varepsilon} = -\frac{\partial}{\partial \varepsilon}\left(\frac{1}{\varepsilon^{n-2}}\right) = \frac{n-2}{\varepsilon^{n-1}}$$

Бирлик сферани σ_1 орšали белгиласак,

$$d\sigma(x,\varepsilon) = \varepsilon^{n-1} d\sigma_1, \quad y - x = \theta\varepsilon$$

алмаштиришни бажарсак, $y \in \sigma(x,\varepsilon)$ бўлганда $\theta \in \sigma_1$ бўлади. Шу сабабли (2) формулани šуйидаги кўринишда ёзиб оламиз:

$$\int\limits_{D_\varepsilon} \frac{\Delta u(y)}{r^{n-2}} dy = \int\limits_{\sigma} \left[\frac{1}{r^{n-2}} \frac{\partial u(y)}{\partial \nu} - u(y) \frac{\partial}{\partial \nu} \left(\frac{1}{r^{n-2}} \right) \right] d\sigma_y + \\ + \int\limits_{\sigma_1} \left[\varepsilon \frac{\partial u}{\partial \nu} - (n-2) u(x+\theta\varepsilon) \right] d\sigma_1 \qquad (4)$$

Равшанки,

$$\lim_{\varepsilon \to 0} \int\limits_{D_\varepsilon} \frac{\Delta u(y)}{r^{n-2}} dy = \int\limits_{D} \frac{\Delta u(y)}{r^{n-2}} dy.$$

(4) формуланинг ўнг томонидаги биринчи интеграл ε га боѓлиš эмас

$$u(y) \in C^1(\overline{D})$$

бўлгани учун

$$\left| \frac{\partial u}{\partial y_i} \right| \le M, \; M - const.$$

$$\left| \frac{\partial u}{\partial \nu} \right| = \left| \sum_{i=1}^{n} \frac{\partial u}{\partial y_i} \cos(\nu, y_i) \right| \le nM \quad (\cos(\nu, y_i) \le 1).$$

Бундан дарќол

$$\left| \varepsilon \int\limits_{\sigma_1} \frac{\partial u}{\partial \nu} d\sigma_1 \right| \le \varepsilon n M |\sigma_1| \xrightarrow[\varepsilon \to 0]{} 0$$

$|\sigma_1|$ **– бирлик сферанинг юзи**

$$\lim_{\varepsilon\to 0}\left[-(n-2)\int_{\sigma_1} u(x+\theta\varepsilon)d\sigma_1\right] = -(n-2)u(x)|\sigma_1|.$$

Демак, (4) тенгликдан ушбу

$$u(x) = \frac{1}{(n-2)|\sigma_1|}\int_\sigma\left(\frac{1}{r^{n-2}}\frac{\partial u(y)}{\partial\nu} - u(y)\frac{\partial}{\partial\nu}\frac{1}{r^{n-2}}\right)d\sigma_y - \frac{1}{(n-2)|\sigma_1|}\int_D \frac{\Delta u(y)}{r^{n-2}}dy \qquad (5)$$

формула ќосил бўлади. $|\sigma_1| = \dfrac{2\pi^{\frac{n}{2}}}{\Gamma\left(\frac{n}{2}\right)}$

Теорема исбот бўлди.

n=2 бўлганда (5) формула ўз маъносини йўšотади. Бу ќолда $\varepsilon(x,y) = \ln\frac{1}{r}$ эканлигини эътиборга олиб, аввалги ќисоблашларга šайтсак,

$$u(x) = \frac{1}{2\pi}\int_\sigma\left(\frac{\partial u(y)}{\partial\nu}\ln\frac{1}{r} - u(y)\frac{\partial}{\partial\nu}\ln\frac{1}{r}\right)d\sigma_y - \frac{1}{2\pi}\int_D \ln\frac{1}{r}\Delta u(y)dy \qquad (6)$$

формулага эга бўламиз. Агар *x* нуšта *D* соќадан ташšарида ётган бўлса,

$$\int_D \frac{\Delta u(y)}{r^{n-2}}dy = \int_\sigma \left(\frac{1}{r^{n-2}}\frac{\partial u(y)}{\partial \nu} - u(y)\frac{\partial}{\partial \nu}\frac{1}{r^{n-2}} \right) d\sigma_y,\ n > 2$$

$$\int_D \frac{\Delta u(y)}{r^{n-2}}dy = \int_\sigma \left(\ln\frac{1}{r}\frac{\partial u(y)}{\partial \nu} - u(y)\frac{\partial}{\partial \nu}\ln\frac{1}{r} \right) d\sigma_y,\ n = 2$$

формулалар ќосил бўлади.

Энди $u(x)$ функция (5) ва (6) функцияларни чиšаришдаги шартдан ташšари *D* соќада гармоник бўлсин. У ќолда $\Delta u(y) = 0$ бўлиб, šуйидаги интеграл тасвирлар ўринли бўлади:

$$u(x) = \frac{1}{(n-2)\omega_n}\int_\sigma \left(\frac{1}{r^{n-2}}\frac{\partial u(y)}{\partial \nu} - u(y)\frac{\partial}{\partial \nu}\frac{1}{r^{n-2}} \right) d\sigma_y,\ n > 2 \qquad (7)$$

$$u(x) = \frac{1}{2\pi}\int_\sigma \left(\ln\frac{1}{r}\frac{\partial u(y)}{\partial \nu} - u(y)\frac{\partial}{\partial \nu}\ln\frac{1}{r} \right) d\sigma_y,\ n = 2 \qquad (8)$$

Адабиётлар

1.Салоќитдинов М.С., Математик физика тенгламалари, Т., «Ўзбекистон», 2002.

2.Владимиров В.С., Уравнения математической физики, М, «Наука», 1981.

3.Тихонов А.Н., Самарский А.А., Уравнения математической физики, М, «Наука», 1977.

Маъруза № 5

Гармоник функциянинг хоссалари

Режа

1. Ўрта šиймат ќašида.
2. Максимум принципи.
3. Йўšатиладиган маќсуслик ќašида.

Таянч тушунчалар

Сфера учун ўрта арифметик формула, шар учун ўрта арифметик формула,šандай шартда функция соќанинг чегарасида максимумга эришади.

.

Грин формулалардан ва гармоник функциянинг интеграл тасвиридан, унинг оддий хоссаларини келтириб чиšарамиз:

Теорема 1. Агар *D* соќада гармоник $u(x)$ функция учун, $u(x) \in C^1(D \cup \sigma)$ бўлса, у ќолда

$$\int_{\sigma} \frac{\partial u(y)}{\partial \nu} d\sigma_y = 0 \qquad (1)$$

бўлади.

Исбот. Гриннинг биринчи формуласида фойдаланамиз, чунки теорема шартига кўра

$$u \in C^2(D) \cap C^1(D \cup \sigma),$$

шунинг учун 1 – Грин формуласи

$$\int_{\sigma} \vartheta \frac{\partial u}{\partial \nu} d\sigma = \int_{D} \sum_{k=1}^{n} \frac{\partial \vartheta}{\partial y_k} \frac{\partial u}{\partial y_k} dy + \int_{D} \vartheta \Delta u dy$$

ўринли. Бу ерда $\vartheta \equiv 1$ деб оламиз, у ќолда

$$\int_{\sigma} \frac{\partial u}{\partial \nu} d\sigma = 0 + 0 = 0.$$

Теорема 2. Агар $u(x)$ функция *D* соќада гармоник бўлса, у ќолда *u(x)* чексиз дифференциалланувчидир, яъни

$$u(x) \in C^{\infty}(D)$$

бўлади.

Исбот. $u(x)$ функция *D* соќада гармоник бўлсин. У ќолда ўзининг чегараси билан тўла *D* соќада ётувчи D_1 соќани оламиз. D_1 соќани шундай танлаб оламизки унинг чегараси $\partial D_1 = \sigma_1$ - бўлаклари силлиš сиртдан иборат бўлсин.

$u(x) \in C^2(\overline{D_1})$ бўлгани учун (7) гармоник функция учун интеграл тасвирдан

$$u(x) = \frac{1}{(n-2)\omega_n} \int_{\sigma} \left(\varepsilon_n(x,y) \frac{\partial u(y)}{\partial \nu} - u(y) \frac{\partial \varepsilon_n(x,y)}{\partial \nu} \right) d\sigma_1 \qquad \textbf{(2)}$$

фойдаланамиз. Бу ерда

$$\varepsilon_n(x,y)=\frac{1}{|x-y|^{n-2}}$$

(2) интеграл остидаги функция *x* ва *y* ўзгарувчиларнинг узлуксиз функция бўлиб $x=(x_1,x_2,...,x_n)$ нуштанинг барча x_j – координаталари бўйича барча тартибли ќосилаларга эга. Параметрга боғлик интегралларни дифференциаллаш ќашидаги теоремега асосан $u(x)$ функция *x* – бўйича барча тартибли ќосилаларга эга.

Теорема 3. (Ўрта шиймат ќашида)

Агар $u(x)$ функция $K(x,R)$ – шарда гармоник бўлиб, $\overline{K(x,R)}$ – ёпиш шарда узлуксиз бўлса, у ќолда

$$u(x)=\frac{1}{\omega_n R^{n-1}}\int\limits_{|y-x|=\varepsilon}u(y)d\sigma_y \qquad \textbf{(3)}$$

формула ўринли бўлади.

Исбот. Ушбу

$\overline{K_1}(x_1,R_1):|y-x|\le R_1<R$

шарни караймиз. Танлашимизга кўра $\overline{K}_1\subset K$ ва $u(y)\in C^2(\overline{K_1})$ бўлгани учун, гармоник функцияга интеграл тасвир ёзамиз. $\overline{K}_1$ – шар учун

$$u(x)=\frac{1}{(n-2)\omega_n}\int\limits_{|y-x|=R_1}\left(\varepsilon_n(x,y)\frac{\partial u(y)}{\partial\nu}-u(y)\frac{\partial\varepsilon_n(x,y)}{\partial\nu}\right)d\sigma_y=$$

$$\sigma_1:|y-x|=R_1$$

сферада

$$\varepsilon_n(x,y)\Big|_{y\in\sigma_1}=\begin{cases}\ln\dfrac{1}{R_1}, & n=2\\ \dfrac{1}{R_1}, & n=3=const\\ \dfrac{1}{R_1^{n-2}}, & n>2\end{cases}$$

σ_1 сферага ташки ν – нормалнинг йуналиши R_1 – радиус йуналиши билан бир ќил бўлади. Шунинг учун

$$\left.\frac{\partial\varepsilon_n(x,y)}{\partial\nu}\right|_{y\in\sigma_1}=\left.\frac{\partial\varepsilon_n(x,y)}{\partial R_1}\right|_{y\in\sigma_1}=\begin{cases}-\dfrac{1}{R_1}, & n=2\\ -\dfrac{1}{R_1^2}, & n=3=const\\ -\dfrac{n-2}{R_1^{n-1}}, & n>2\end{cases}.$$

Буларни эътиборга олиб юšоридаги интегрални šуйидагича ќисоблаймиз:

$$=\frac{1}{(n-2)\omega_n R_1^{n-2}}\int_{|y-x|=R_1}\frac{\partial u(y)}{\partial\nu}d\sigma_y+\frac{(n-2)}{(n-2)\omega_n R_1^{n-1}}\int_{|y-x|=R_1}u(y)d\sigma_y=$$
$$=\frac{1}{\omega_n R_1^{n-1}}\int_{|y-x|=R_1}u(y)d\sigma_y;$$

Демак,

$$u(x)=\frac{1}{\omega_n R_1^{n-1}}\int\limits_{|y-x|=R_1} u(y)d\sigma_y \qquad (3')$$

$u(x)$ функция $\overline{K(x,R)}$ – шарда узлуксиз бўлгани учун бу тенгликда $R_1 \to R$ да интеграл остида лимитга ўтиш мумкин.

$$u(x)=\frac{1}{\omega_n R^{n-1}}\int\limits_{|y-x|=R} u(y)d\sigma_y$$

формулани ќосил šиламиз.

$$\omega_n R^{n-1}=\begin{cases}2\pi R, & агар\, n=2\\ 4\pi R^2, & агар\, n=3\end{cases} \qquad (3')$$

формулани

$$R_1^{n-1}u(x)=\frac{1}{\omega_n}\int\limits_{|y-x|=R} u(y)d\sigma_y$$

кўринишда ёзиб оламиз. Бу тенгликни R_1 бўйича $0\le R_1\le R$ оралиšда интеграллаб,

$$u(x)=\frac{n}{\omega_n R^n}\int\limits_{K(x,R)} u(y)dy \qquad (3'')$$

формулага эга бўламиз. Бу ерда $\frac{\omega_n R^n}{n} - K(x,R)$ шарнинг ќажми.

(3) ва $(3'')$ формулалар мос равишда сфера ва шар бўйича гармоник функциялар учун ўрта арифметик формулалар номи билан юритилади.

Теорема 4. (максимум принципи). Агар $u(x)$ – функция:

1. Чекли *D* соќада гармоник.
2. $\overline{D} = D \cup \sigma$ да узлуксиз.
3. $u(x) \neq const$, бўлса, у ќолда $u(x)$ функция максимум ва минимумга *D* соќанинг чегараси *D* да эришади.



Исбот. $u(x)$ функция ёпиš $\overline{D} = D \cup \sigma$ соќада узлуксиз бўлгани учун $\max u(x)$ мавжуд. Теоремани тескаридан фараз šилиш усулидан фойдаланиб исботлаймиз. Фараз šилайлик $u(x)$ функция max. га *D* соќанинг ичида $x_0 \in D$ нуšтада эришсин, яьни

$$\exists x_0 \in D \Rightarrow \max_{x \in \overline{D}} u(x) = u(x_0) = M$$

бўлсин. *D* соќада жойлашган $\sigma_0 : |y - x_0| = R_0 > 0$ сфера чизиб оламиз. У ќолда ўрта šиймат ќаšидаги Теорема 3 га асосан

$$M = u(x_0) = \frac{1}{|\sigma_0|}\int_{\sigma_0} u(y)d\sigma;\ |\sigma_0| = \omega_n R_0^{n-1} \qquad \textbf{(4)}$$

$$u(x)\big|_{x\in\sigma_0} \le M$$

тенгсизлик ўринлидир.

Энди $u(x)$ **функция** σ_0 **да** ***M*** **дан кичик šиймат šабул šила олмаслигини кўрсатамиз: Агар бирор** $y_0 \in \sigma_0$ **нуšтада**

$$u(y_0) = M - 2\sigma < M$$

деб фараз šилсак, у ќолда $u(x)$ **нинг узликсизлигидан**

$$u(y) < M - \sigma,\ \forall y \in \sigma_0' \subset \sigma_0,\ \sigma_0'' = \sigma_0 \setminus \sigma_0'$$

белгилаймиз, яъни $\sigma_0 = \sigma_0' \cup \sigma_0''$

$$M = u(x_0) = \frac{1}{|\sigma_0|}\left(\int_{\sigma_0'} u(y)d\sigma' + \int_{\sigma_0''} u(y)d\sigma''\right) < \frac{1}{|\sigma_0|}\left((M-\delta)|\sigma_0| + M|\sigma_0''|\right) =$$

$$= \frac{1}{|\sigma_0|}\left(M|\sigma_0'| + M|\sigma_0''| - \delta|\sigma_0'|\right) =$$

$$= \frac{1}{|\sigma_0|}\left(M\left(|\sigma_0'| + |\sigma_0''|\right) - \delta|\sigma_0'|\right) < M - \delta\frac{|\sigma_0'|}{\sigma_0} < M$$

Демак,

M<M

šарама – šаршилик келиб чиšади. Шундай šилиб

$$u(x)\Big|_{x\in\sigma_0} \le M$$

бўлар экан. R_0 **- иќтиёрий бўлгани учун**

$$u(x)=M \quad y\in \overline{K}(x_0,R_0):|y-x_0|\le R_0$$

шарда бажарилади. Энди $x_1\in D$ **нуšтани оламиз ва** $U(x_1)=M$ **эканлигини кўрсатамиз. Бунинг учун** $x_0,\, x_1$ **нуšталарни** $L\subset D$ **- синиš чизиš билан туташтирамиз ќамда *L* нинг** σ_0 **билан кесишиш нуšтасини** y_1 **орšали белгилаб оламиз:** $u(x_1)=M$ **бўлишини кўрсатамиз: Худди юšоридагидек**

$$u(x)\equiv M\,,\quad y\in \overline{K}(y_1,R_1):|y-y_1|\le R_1$$

кўрсатиш мумкин. Агар *L* чизиšнинг узунлиги $|L|$ **орšали белгиласак ва**

$$d=\inf|x-y|,\ x\in L,\ y\in\sigma \text{ десак, } N\ge \frac{2|L|}{d}$$

тенгсизликни šаноатлантирувчи бутун сон бўлса, у ќолда

радиуслари $\frac{d}{2}$ дан бўлган *N* та шар *L* чизиšни šоплайди. Бу шар $|y-y_N|\leq \frac{2}{d}:\overline{K}\left(y_N,\frac{d}{2}\right)$ шар x_1 нуšтани ўз ичига олади ва бу шарда ќам $u(x)\equiv M$ бўлади, яьни $u(x_1)=M$. Шундай šилиб *D* соќанинг ичидаги $x_0\in D$ нуšтада *max* га эришади деган фаразимиздан $u(x)\equiv M,\ \forall x\in D$ экани келиб чиšади. Бу эса теореманинг 3 – шартига зид. Демак гармоник функция теоремадаги 1),2),3) шартларни šаноатлантирса *у* max.га соќанинг чегарасида эришар экан.

Натижа 1. Агар $u(x)$ функция *D* соќада гармоник $\overline{D}=D\cup\sigma$ да узлуксиз бўлиб ва

$$u(x)\big|_{x\in\sigma_0}=0$$

бўлса, у ќолда

$$u(x)\equiv 0,\ \forall x\in D$$

бўлади.

Исбот. Натижанинг шартига кўра

$$u_{\max}=u_{\min}=0\quad u_{\min}\leq u(x)\leq u_{\max}\Rightarrow u(x)\equiv 0,\forall x\in D.$$

Натижа 2. Агар $u_1(x),\ \ u_2(x)$ функциялар *D* соќада гармоник,

$\overline{D} = D \cup \sigma$ **да узлуксиз бўлиб**

$$\left(u_1(x) - u_2(x)\right)\Big|_{x\in\sigma} \le 0$$

бўлса, у ќолда

$$u_1(x) - u_2(x) \le 0, \ \forall x \in D$$

бўлади.

Исбот. Ушбу $u(x) = u_1(x) - u_2(x)$ **функцияни šараймиз. Натижа шартига кўра** $u(x)$ **функция *D* соќада гармоник,** $\overline{D}$ **да узлуксиз**

$$u(x) \le 0, \ \forall x \in D$$

бўлиб. *max*. принципига асосан

$$u(x) \le 0, \ \forall x \in D$$

келиб чикади, бунда эса

$$\left(u_1(x) - u_2(x)\right) \le 0, \ x \in D.$$

Натижа 3. Агар $u_1(x), \ \ u_2(x)$ **функциялар *D* да гармоник,** $\overline{D}$ **да узлуксиз бўлиб,**

$$u_1(x)\big|_\sigma \le u_2(x)\big|_\sigma$$

бўлса, у ќолда

$$u_2(x)\big|_\sigma \le u_2(x), \ \forall x \in D$$

бўлади.

Исбот. Шартга кўра

$$-u_2(x) \le u_1(x) \le u_2(x),\ \forall x \in D \Rightarrow \begin{cases} \left(u_1(x) - u_2(x)\right)\Big|_{x\in\sigma} \le 0 \\ \left(-u_1(x) - u_2(x)\right)\Big|_{x\in\sigma} \le 0 \end{cases}.$$

Бу ерда $u_1 - u_2$ **ва** $u_1 + u_2$ **функцияларнинг** ***D*** **да гармоник ва** $\overline{D}$ **да узлуксизлигини эътиборга олсак, у ќолда** $\forall x \in D$

$$\left.\begin{matrix} u_1(x) \le u_2(x) \\ u_1(x) \ge -u_2(x) \end{matrix}\right\} \Rightarrow |u_1(x)| \le u_2(x),\ \forall x \in D$$

Теорема 5. (Йўšатиладиган маќсуслик ќаšида).

Агар $u(x)$ **функция** $D^+ \setminus \{x^0\}$ **соќада гармоник ва** x^0 **нуšтанинг тешик атрофида чегараланган бўлса, у ќолда** $u(x)$ **функцияни** D^+ **соќада гармоник бўладиган šилиб аниклаш мумкин бўлади.**

Исбот. Ушбу ***a>0*** **сонни шундай танлаймизки** $\overline{K_a} : |x - x^0| \le a$ **– шар учун** $\overline{K_a} \subset D^+$ **бўлсин. Энди** K_a **– шарда** $u_1(x)$ **– гармоник функцияни šуйидагича танлаймиз:**

$$\Delta u_1(x) = 0,\ x \in K_a\ \ u_1(x)\Big|_{x\in\sigma_a} = u(x),\ x \in \sigma_a : |x - x_a| = a$$

Ушбу $u_2(x) = u(x) - u_1(x)$ **функция тузилишига кўра** $K_a \setminus \{x^0\}$

да гармоник бўлиб $u_2(x)\big|_{x\in\sigma_a}=0$ бўлади. Ќašišатан ќам

$$u_{x\in\sigma_a}=u(x)\big|_{x\in\sigma_a}-u_1(x)\big|_{x\in\sigma_a}=u(x)\big|_{x\in\sigma_a}-u(x)\big|_{x\in\sigma_a}=0$$

$$\Delta u_2=\Delta(u-u_1)=\Delta u-\Delta u_1=0-0=0$$

Теорема шартига кўра $u(x)\,K_a$ – шарда чегараланган, шунинг учун $\exists A>0$ $|u_2(x)|<A,\ \forall x\in K_a$, чунки $u_1(x),\ x\in K_a$ да гармоник функциядир. Лаплас тенгламасининг фундаментал ечимидан фойдаланиб $\overline{K_a}$ – ёпиš шарда манфий бўлмаган $0\le\vartheta_\varepsilon(x)$ – фунуцияни šуйидагича тузиб оламиз:

$$\vartheta_\varepsilon(x)=\begin{cases}\varepsilon\ln\dfrac{a}{|x-x^0|},\ n=2\\[2ex]\varepsilon\left(\dfrac{1}{|x-x^0|}-\dfrac{1}{a}\right),\ n=3\end{cases}$$

бу ерда $\varepsilon>0$. Равшанки $\vartheta_\varepsilon(x)$ функция $K_a\setminus\{x^0\}$ – соќада гармоник. $v_\varepsilon(x)$ функциянинг аниšланишига кўра $\vartheta_\varepsilon(x)\big|_{x\in\sigma_a}=0$, чунки

$$\sigma_a:|x-x^0|=a;\ x\in\sigma_a,\ |x-x^0|=a$$

бўлади, бунда эса

$$\vartheta_\varepsilon(x)\big|_{x\in\sigma_a}=\begin{cases}\varepsilon\ln\dfrac{a}{a},\ n=2\\[2ex]\varepsilon\left(\dfrac{1}{a}-\dfrac{1}{a}\right),\ n=3\end{cases}=0.$$

Демак, $\vartheta_\varepsilon(x)\big|_{x\in\sigma_a}=u_{x\in\sigma_a}=0$. Энди $0\le\vartheta_\varepsilon(x)\xrightarrow[x\to x^0]{}\infty$ бўлгани

учун $\exists\delta > 0 \quad \sigma_a : \left|x - x^0\right| = \delta$ **– сферада** $\vartheta_\varepsilon(x)\big|_{x\in\sigma_a} > A$ **бўлади. Шундай šилиб** $v_\varepsilon(x)$ **функция** $x \in K_a \setminus K_\delta$ **– сферик šатламда гармоник бўлиб, унинг чегарасида:**

$$\left|u_2(x)\right|\Big|_{\sigma_a\cup\sigma_\delta} < \vartheta_\varepsilon(x)\Big|_{\sigma_a\cup\sigma_\delta}$$

бунда эса

$$\left|u_2(x)\right| < \vartheta_\varepsilon(x),\ \forall x \in K_a \setminus K_\delta$$

келиб чиšади. ***x*** **– ни фиксирлаб бу тенгсизликда** $\varepsilon \to 0$ **да лимитга ўтсак** $\vartheta_\varepsilon(x)\xrightarrow[x\to\varepsilon]{}0$ **дан**

$$\left|u_2(x)\right| < 0 \Rightarrow u_2(x) = 0\ u_2(x) = u(x) - u_1(x) \equiv 0,\ \forall x \in K_a \setminus K_\delta$$

келиб чиšади. Энди $x \to x^0$ **да лимитга ўтсак**

$$\lim_{x\to x^0} u_2(x) = \lim_{x\to x^0} u(x) - \lim_{x\to x^0} u_1(x) = 0$$

$$\Rightarrow \lim_{x\to x^0} u(x) = \lim_{x\to x^0} u_1(x) = u_1(x^0)$$

Демак,

$$u_1(x) = u(x)$$

агар $x \in K_a \setminus\notin \left\{x^0\right\}$ **бўлиб,** $u(x) \in H(K_a)$**, яьни** ***u(x)*** **нинг гармоник давоми** $u_1(x)$ **экан.**

Теорема 6. Агар 1) ***u(x)*** **функция** $\Omega\setminus\left\{x^0\right\}$ **да гармоник, 2)**

Шундай $\alpha(x), \lim\limits_{x\to x^0}\alpha(x)$ топилиб

$$|u(x)| \le \frac{\alpha(x)}{|x-x^0|^{n-2}}, n>2$$

тенгсизлик бажарилса, у ќолда x^0 *нукта* $u(x)$ **функция учун йўšатилиши мумкин бўлган маќсус нуšта бўлади, яьни**

$$\lim_{x\to x^0} u(x) = A$$

деб, ушбу

$$\vartheta(x) = \begin{cases} u(x), & x \ne x^0 \\ A, & x = x^0 \end{cases}$$

функция Ω **да гармоник бўлади**

$$\Delta\vartheta(x) = 0 \ , \quad x \in R$$

Адабиётлар

1.Салоќитдинов М.С., Математик физика тенгламалари, Т., «Ўзбекистон», 2002.

2.Владимиров В.С., Уравнения математической физики, М, «Наука», 1981.

3.Тихонов А.Н., Самарский А.А., Уравнения математической физики, М, «Наука», 1977.

Маъруза № 6

Чегаравий масала ечимининг ягоналиги. Дирихле масаласи ечимининг ягоналиги

Режа

1. Дирихле масаласи ечимининг ягоналиги.
2. Доира учун Дирихле масаласини Фурье усулида ечиш.
3. Пуассон интеграли.

Теорема. Агар

$$u \in C^2(D^+) \cap C(\overline{D^+}) \ , \ f(x) \in C(\sigma)$$

бўлса, у ќолда ушбу Дирихле

$$\Delta u(x) = 0 \quad , \ x \in D^+ \ ;$$
$$u(x)\big|_{x=\sigma} = f(x) \quad ,$$

масаласининг ечими ягона.

Исбот. Фараз šилайлик ички Дирихле масаласининг иккита $u_1(x), u_2(x)$ ечимлари мавжуд бўлсин. У ќолда

$$u(x) = u_1(x) - u_2(x) \ , \ \Delta u = \Delta u_1 - \Delta u_2 = 0$$

бўлиб,

$$u(x)\big|_\sigma = u_1\big|_\sigma - u_2\big|_\sigma = f(x) - f(x) = 0$$

яъни $u(x)\big|_{x\in\sigma}=0$. Максимум принципига асосан

$$u(x)\equiv 0\,,\ \forall x\in D^+$$

бўлади. Бундан $u_1(x)\equiv u_2(x)\,,\ \forall x\in D^+$

Доира учун Дирихле масаласини Фурье усулида ечиш

Ушбу D^+ соќа $\geq\left\{(x_1,x_2)=x\in R^2;\ x_1^2+x_2^2\leq a^2\right\}$ – доирадан иборат бўлсин. У ќолда

$$\Delta u(x)\equiv\frac{\partial^2 u}{\partial x_1^2}+\frac{\partial^2 u}{\partial x_2^2}=0,\ u(x)\in C^2(D^+)\cap C^1(\overline{D^+}) \qquad (1)$$

$$u(x)\big|_{x\in\sigma}=f(x),x\in\sigma: x_1^2+x_2^2=a^2-\text{айлана},\ f(x)\in C^1(\sigma); \qquad (2)$$

Дирихле масаласининг $u(x_1,x_2)$ ечимини Фурье усулида топиш билан шуѓулланамиз. Бунинг учун $x_1=r\cos\varphi\,,\ x_2=r\sin\varphi\,;\ r=\sqrt{x_1^2+x_2^2}$ šутб координаталар системасига ўтамиз:

$$\Delta u(r,\varphi)\equiv\frac{1}{r}\frac{\partial}{\partial r}(r\frac{\partial u}{\partial r})+\frac{1}{r^2}\frac{\partial^2 u}{\partial\varphi^2}=0 \qquad (3)$$

$$u(r,\varphi)\big|_{r=a} = f(\varphi);\ f(\varphi+2\pi) = f(\varphi) \qquad \textbf{(4)}$$

Излаётган ечим

$$u(r,\varphi) = u(r,\varphi+2\pi)$$

шартни šаноатлантиради, чунки ечим узлуксиз ва чексизликда регуляр, аниšланишига кўра у чегараланган чексизликда. (3) + (4) масаланинг даврий чегараланган ечимини ушбу

$$u(r,\varphi) = R(r)\cdot\Phi(\varphi) \qquad \textbf{(5)}$$

кўринишда излаймиз. Бунда

$$\Phi(\varphi+2\pi) = \Phi(\varphi) \qquad \textbf{(6)}$$

$$|R(r)| < A \qquad (6')$$

$$\frac{\partial u}{\partial r} = R'(r)\cdot\Phi(\varphi),\ \frac{\partial u}{\partial \varphi} = R(r)\cdot\Phi'(\varphi),\ \frac{\partial^2 u}{\partial \varphi^2} = R(r)\cdot\Phi''(\varphi).$$

$$\Delta u \equiv \frac{1}{r}\frac{\partial}{\partial r}\left(r\frac{\partial u}{\partial r}\right) + \frac{1}{r^2}\frac{\partial^2 u}{\partial \varphi^2} =$$
